

9-10-2019

ISLAMIC SPIRITUAL PROSPERITY OF YOUTH IN RELIGIOUS EDUCATION

Nuriddin Mukhitdinovich Akhmadiev
ФарДУ

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu>



Part of the [Education Commons](#)

Recommended Citation

Akhmadiev, Nuriddin Mukhitdinovich (2019) "ISLAMIC SPIRITUAL PROSPERITY OF YOUTH IN RELIGIOUS EDUCATION," *Scientific Bulletin of Namangan State University*. Vol. 1 : Iss. 6 , Article 38.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu/vol1/iss6/38>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Scientific Bulletin of Namangan State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

ISLAMIC SPIRITUAL PROSPERITY OF YOUTH IN RELIGIOUS EDUCATION

Cover Page Footnote

???????

Erratum

???????

ИСЛОМ ДИНИЙ ТАЪЛИМОТИДА ЁШЛАРНИНГ МАЪНАВИЙ- АХЛОҚИЙ ТАРБИЯСИ

Нуриддин Аҳмадиев Мухитдинович
ФарДУ таянч докторанти.

Аннотация: Ушбу мақолада миллий меросимиз, қадриятларимиз, урф- одат ва анъаналаримизнинг ёшларга берилаётган ахлоқий тарбия билан узлуксиз боғлиқлиги диний бағрикенглик тарбияси мисолида очиб берилади, диний таълимотнинг ёшларни юксак маънавиятли этиб тарбиялашдаги ўрни ҳақида сўз юритилади. Унда шарқона қараиш ва шарқ мутафаккирларимиз ўғитларини ёш авлоднинг маънавий ахлоқий баркамоллигини ўстиришдаги аҳамиятига ҳам алоҳида ургу берилган. Мақолада ислом диний таълимотининг асосий масалаларидан ҳисобланган ахлоқ, маънавият, ҳақиқат, виждон ва инсонийлик кабиларнинг моҳиятини ёритувчи фикр ва мулоҳазалар ўрин олган.

Калит сўзлар: дин, маънавият ва диний таълимот, ҳақ ва ҳақиқат, урф-одат ва анъаналар, Ғаззолий, Абу Лайс ас -Самарқандий, виждон эркинлиги ва поклиги, инсонпарварлик, бағрикенглик, эзгулик гоёлари.

ДУХОВНО-ПРАВСТВЕННОЕ ВОСПИТАНИЕ МОЛОДЁЖИ В ИСЛАМСКОЙ РЕЛИГИОЗНОМ УЧЕНИИ

Ахмадиев Нуриддин Мухитдинович
базовый докторант ФерГУ

Аннотация: В этой статье объясняется преемственность нашего национального наследия, наших ценностей, традиций и традиций с нравственным воспитанием молодежи, на примере религиозной терпимости, роль религиозного воспитания в воспитании молодежи в духовном просвещении. Акцент был сделан на важности восточной заботы и восточных мыслителей для духовного развития нравственных ценностей молодого поколения. Статья включает в себя идеи и мысли, которые подчеркивают сущность этики, духовности, правды, совести и человечности, одной из основных проблем исламской доктрины.

Ключевые слова: религия, духовность и религия, правда и истина, традиции и обычаи, газали, Абу Лайс как Самарканд, свобода и чистота совести, гуманность, терпимость, доброжелательность.

ISLAMIC SPIRITUAL PROSPERITY OF YOUTH IN RELIGIOUS EDUCATION

Akhmadiev Nuriddin Mukhitdinovich
PhD doctorate.

Abstract: This article explains the continuity of our national heritage, our values, traditions and traditions with the moral education of young people, in the example of religious tolerance, the role of religious education in educating young people in spiritual enlightenment. The emphasis was placed on the importance of Oriental care and Oriental thinkers to the spiritual development of the moral values of the younger generation. The article includes ideas and thoughts

that highlight the essence of ethics, spirituality, truth, conscience and humanity, one of the major issues of Islamic doctrine.

Keywords: *religion, spirituality and religion, truth and truth, traditions and customs, Ghazali, Abu Lays as Samarkand, freedom and purity of conscience, humanity, tolerance, goodwill.*

Маълумки, дин азалдан инсон маънавиятининг таркибий қисми сифатида одамзоднинг юксак идеаллари, ҳақ ва ҳақиқат, инсоф ва адолат тўғрисидаги орзу-армонларини ўзида мужассам этган, уларни барқарор қоида шаклларида мустаҳкамланиб келаётган ғоя ва қарашларнинг яхлит бир тизимидир. Айниқса, кўп асрлар мобайнида халқимиз қалбидан жой олиб, ҳаёт маъносини англаш, миллий маданиятимиз ва турмуш тарзимизни, қадриятларимиз, урф-одат ва анъаналаримизни безавол сақлашда муқаддас динимиз қудратли омил бўлиб келаётганини алоҳида таъкидлаш лозим. Шу билан бирга мамлакатимизда турли динларга эътиқод қиладиган фуқаролар учун ўз диний маросимларини ўтказиш ва мамлакат ҳаётида фаол иштирок этишлари учун етарли шарт-шароитлар яратилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18-моддасига кўра, “Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъий назар, қонун олдида тенгдирлар” [1]. Асосий Қонунимизда ушбу ҳуқуқнинг акс этирилиши мамлакатимизда инсонларнинг виждон ва эътиқод эркинлиги таъминланишининг асоси бўлиб хизмат қилмоқда. Шунингдек, 1998 йили 1-май куни янги таҳриридаги Ўзбекистон Республикасида “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги” ги қонунни қабул қилинганлиги ва ушбу қонунда виждон эркинлиги ҳамда ҳар бир кишининг эркин эътиқод қилиш ҳуқуқлари ўз аксини топган.

Истиқлол шарофати билан динга муносабат тубдан ўзгарди. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримов муқаддас динимизнинг ҳаққонийлиги ва поклиги, инсонпарварлиги ва бағрикенглиги, одамзодни доимо эзгуликка чорлаши, ҳаёт синовларида ўзини оқлаган қадрият ва анъаналарни ажодлардан авлодларга етказишда беқиёс ўрни ва аҳамияти билан боғлиқ” [2] эканлигини таъкидлагани бежиз эмас. Демак, ислом дини билан бир қаторда дунёдаги динларнинг барчаси эзгулик ғояларига асосланади, у ҳалоллик, тинчлик, яхшилик ва дўстлик каби бир қанча эзгу фазилатларга таянади. Инсонларни ҳалоллик ва поклик, меҳр-оқибат, инсонпарварлик ва бағрикенгликка даъват этади. Зотан, динлараро бағрикенглик хилма-хил диний эътиқодга эга бўлган кишиларнинг бир замин, бир ватанда, олижаноб ғоя ва ниятлар йўлида ҳамкор ва ҳамжиҳат бўлиб яшашга даъват этади.

Киши қўли билан яхши муомала қилиши чиройли саналгандир. Унга тоқати етмайдиган ишни юкламайди, чунки Аллоҳ таоло бандаларига тоқатлари етмайдиган ишни тақлиф этмади. У билан чиройли муомала қилмоғи лозим, чунки чиройли муомала мўминларнинг ахлоқидир. Ҳасан Басрийдан сўралди: “Киши гуноҳ қилиб тавба қилади, сўнг гуноҳ қилиб тавба қилади. Сўнг яна гуноҳ қилиб тавба қилади. Бу қачонгача?” Айтди: “Буни мўминларнинг ахлоқидангина деб

биламан”[3]. Англашиладики, мазкур диний тарбияда ёшларга меҳнатсеварликдан, бирор ҳунар ва эзгу иш билан банд бўлиш ва қўли, тили билан одамларга яхшилик улашишдан сабоқ берилмоқда.

Ўзга халқлар тили, урф-одатлари ва анъаналарига чуқур ҳурмат, уларнинг ўзлигини сақлаб қолиш, маданий-маърифий эҳтиёжларини рўёбга чиқаришга имконият яратиш ва ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш ўзбекона бағрикенгликнинг энг ёрқин хусусиятларидан биридир. Айнан мана шундай бағрикенглик, сабр-бардошлилик маданиятимизнинг беназир намуналарини сақлаб қолиш, асрлар синовидан олиб ўтиш, камол топтириш ҳамда ўзга маданиятларнинг аҳамиятли натижалари билан бойитишга шароит яратди. Ўз навбатида бундай муносабат халқимизга хос бўлган хулқ-одоб меъёрлари, маънавий қадриятларнинг қўшни халқлар томонидан қабул қилинишига йўл очгани ҳам тарихий ҳақиқатдир. Шу нуқтаи назардан қараганда, муқаддас ислом динимизни пок сақлаш, уни турли ғаразли хуруж ва ҳамлалардан, тухмат ва бўҳтонлардан ҳимоя қилиш, унинг асл моҳиятини униб-ўсиб келаётган ёш авлодга тўғри тушунтириш, ислом қадриятларининг эзгу ғояларини кенг тарғиб этиш вазифалари, бугунги кунда ҳам долзарб бўлиб турибди.

Шарқ фалсафаси ва ислом таълимотида бағрикенглик ҳамда ёш авлоднинг таълим-тарбияси, унинг одоб ахлоқи ҳақида жуда кўп қимматли маслаҳатлар, фикр-мулоҳазалар мавжуд. Жумладан, диний бағрикенглик билан боғлиқ қадриятларни тарғиб қилинган фикрлар буюк аллома, мотуридия ақидавий йўналиши асосчиси Абу Мансур ал-Мотуридийнинг асарларида баён этилган. Мотуридий Қуръон тафсирига бағишланган, ислом оламида жуда кенг танилган “Таъвилот аҳли сунна” асарида “Ҳаж” сураси 40-оят тафсирида: “Черков ва синагогаларни вайрон этиш манъ этилади. Шунинг учун ҳам, мусулмонлар юртида шу давргача улар бузилмай сақланиб қолган. Бу масалада аҳли илм орасида ихтилоф йўқдир”[4], деб қатъий таъкидлайди. Самарқандлик фақиҳ, муфассир Абу Лайс ас-Самарқандий (ваф. 1003 й.) эса ўзининг “Баҳр ал-улум” номли тафсир китобида Қуръондаги “Мумтаҳана” сурасининг 8-9-оятлари шарҳида “Сизлар билан динда уруш қилмаган ўзга дин вакиллари билан борди-келди қилинг, улар билан адолатли муомала қилинг”[5], деб ёзади. Мовароуннаҳрлик яна бир машҳур фақиҳ, муфассир Абул Баракот ан-Насафий ўзининг ислом оламида маълум ва машҳур “Мадорик ат-танзил” асарида мазкур оятларни “Ўзга дин вакилларига эҳтиром кўрсатинг ҳамда уларга сўзда ва амалда яхшилик қилинг”[6], деб шарҳлайди.

Мутафаккир аллома ва шоир Жомийнинг инсонпарварлик, одамийлик, ўзгаларга яхшилик қилиш, хулқ-одоб ва ахлоқий фазилатларни эгаллаш тўғрисидаги доно фикрлари, ибратомуз сўзлари, пурмаъно панд-насиҳатлари ҳозир ҳам ўз кучини йўқотмай келмоқда, бу фикрлар ёшларни тарбиялашда, маънавиятнинг юксалишида муҳим аҳамиятга эга, деб ўйлаймиз.[7]

Муқаддас Қуръони Карим ва Ҳадиси шариф баркамол авлоднинг маънавий камолоти учун беқиёс манба эканлигини ҳаммамиз яхши биламиз. Этник сабр-тоқат, бағрикенглик ҳаёт бўронларидан омон қолиш ва ривожланиш учун зарур табиий меъёрларга айланди. Диний бағрикенглик ҳамиша диний заминдаги

адоватга қарши ўзига хос қалқон вазифасини ўтаган. У турли эътиқодларнинг бир замон ва маконда биргаликда мавжуд бўлишига, уларнинг ташувчилари ўртасидаги ҳамкорлик, бирдамлик ва ҳамжиҳатликнинг шаклланишига йўл очган” [8].

Шарқ мутафаккирлари, олиму уломлари томонидан асрлар давомида ёш, баркамол авлод, комил инсон одоб-ахлоқига оид кўплаб китоблар, ҳикматлар яратилган. Афсуски, тоталитар тузим томонидан олиб борилган сиёсат туфайли улардан халқимиз маҳрум қилиб қўйилган эди. Эндиликда истиқлол шарофати туфайли бу соҳада ҳам жиддий ўзгаришлар юзага келди. Жумладан, ёшлар тарбиясини олиб боришда диний қарашлардан унумли фойдаланишга алоҳида эътибор берилаётир.

Мамлакатимиздаги умумий ўрта таълим мактабларида етти тилда – ўзбек, қорақалпоқ, рус, қирғиз, туркман, қozoқ ва тожик тилларида билим берилётгани, шунингдек, оммавий ахборот воситалари Ўзбекистонда истиқомат қилаётган миллатларнинг ўн та тилида фаолият олиб бораётгани бунинг ёрқин ифодасидир. Мамлакатимизда истиқомат қилаётган барча миллат ва элат вакиллариининг ўз она тилида ўқиши учун кенг имкониятлар яратилгани, олий ўқув юртлиари, касб-хунар коллежлари, академик лицей ва мактабларда барча миллат вакиллари учун тенг шарт-шароитлар яратилгани, кўплаб тилларда газета ва журналлар чоп этилиб, телекўрсатув ва радио эшиттиришлар олиб борилаётгани бу борадаги, яъни бағрикенглик ғоясини сингдиришдаги фаолиятнинг яққол далилидир. Ёш авлод тарбиясида бағрикенгликни шакллантириш таълим-тарбия жараёнининг узликсизлиги, давомийлиги, мақсадли ташкил қилинганлиги, комплекс ёндашилганлиги, шунингдек, оила, мактаб, коллеж, лицей, олий ўқув юртлиари ҳамкорлигида бағрикенглик муҳитининг мавжудлиги каби омиллар орқали амалга оширилади.

Ёш авлодда маънавий ахлоқий тафаккурни шакллантиришда таълим жараёнининг барча иштирокчилари, яъни оила, мактаб, коллеж, лицей, олий ўқув юртлиари ҳамкорлигини таъминлаш катта аҳамият касб этади. Чунки худди мана шундай тартибда таълим жараёнини ташкил қилинганда ёш авлодда билим олиш учун ҳам, уларни синаб тажрибадан ўтказиш учун ҳам, билимларни ўзгаларга кўрсатиш, шунингдек, ҳаётий норма ва ахлоқий мисоллар билан тасдиқлаб олиш учун зарур педагогик полигон яратилган бўлади.

References:

1. O‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi. -T.:O‘zbekiston, 2014. B- 6
2. Islom Karimov. Yuksak ma’naviyat – engilmas kuch. -T.: Ma’naviyat, 2008. –B. 36.
3. Abu Lays as-Samarqandiy. Tanbehul g‘ofiliyn. –Toshkent, Mutarjim, 2003-2005.
4. Abu Mansur al-Moturidiy. Ta’vilot ahli sunna. Bayrut: Muassasa ar –risala. –Toshknet, 2004. –B. 376
5. Abu Lays as-Samarqandiy. Baxr al-ulum. Bayrut: Dor al-kutub. 1993. –B. 353.
6. Abul Barokot an-Nasafiy. Madorik at-Tanzil. Bayrut: Dor al-kutub. 1992. T. II. –B. 674
7. <http://quran.uz/qurani-karim/mavzular-korsatkichi/338-mavzular-korsatkichi.html>
8. Ochildiev A. Milliy g‘oya va millatlararo munosabatlar. -T., O‘zbekiston, 2004. –B.92.